

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02/30.12.2019. К/В. 37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАЕВ ТУЛКИН АРЗИКУЛОВИЧ**

**ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИНИ ФИТОГОРМОНЛАР БИЛАН  
КОМПЛЕКСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК  
ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Джураев Тулкин Арзикулович**

Глицирризин кислотасини фитогормонлар билан комплекслари ва уларнинг биологик фаоллиги.....

3

**Джураев Тулкин Арзикулович**

Комплексы глицирризиновой кислоты с фитогормонами и их биологическая активность

21

**Djuraev Tulkin Arzikulovich**

Complexes of glycyrrhizic acid with phytohormones and their biological activity

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

42

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02/30.12.2019. К/В. 37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАЕВ ТУЛКИН АРЗИКУЛОВИЧ**

**ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИНИ ФИТОГОРМОНЛАР БИЛАН  
КОМПЛЕКСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК  
ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В288 рақам  
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ахунов Али Ахунович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Мухамедов Рустам Султонович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Андижон давлат университети**

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru) .

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.И.Салихов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Ш.А.Шомуротов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д

**М.Б.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда экологик хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш фан олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Лекин бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида турли хил кимёвий тузилишга эга бўлган препаратлардан кенг фойдаланилиш оқибатида ҳосил сифати кўрсаткичларида салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Шунга кўра озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш мақсадида етиштирилаётган ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқаришда экологик жиҳатдан хавфсиз табиий бирикмалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг кўпгина тадқиқот марказларида ўсимликларнинг ҳосил сифатини ошириш мақсадида табиий физиологик фаол моддаларнинг таъсир этиш механизмини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўсимликларининг ташқи муҳит ноқулай омиллари таъсирига, жумладан, шўрланиш шароитида чидамлилиқ даражасини ошириш - дехқончиликда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунда ўсимлик тўқима ва ҳужайраларида ташқи сигналларнинг медиаторлари функциясини бажарувчи фитогормонлардан фойдаланиш истиқболлари юқори баҳоланади. Фитогормонлар таъсирида ўсимлик ҳужайраси биологик мембранасининг барқарорлиги ва функционал фаоллиги даражаси ортиши, ҳужайрада амалга ошувчи моддалар алмашинуви жараёнлари фаоллиги меъёрийлашиши орқали ўсимликнинг стресс-омил таъсирига нисбатан чидамлилиқ даражаси ортиши қайд қилинади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ўсимликларнинг экологик хавфсиз маҳсулотларини етиштиришда илмий ва инновация ютуқларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Ушбу нуқтаи назардан диссертация ишида ҳар хил тупроқ шароитида қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини бошқаришда аҳамиятли бўлган табиий физиологик фаол бирикмалар асосида яратилган супрамолекуляр комплексларни яратиш ва улардан қишлоқ хўжалиги ўсимликларидан экологик хавфсиз маҳсулотлар олишда фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Шунга кўра энг муҳим табиий физиологик фаол модда ва истиқболли агентлардан бири сифатида глицирризин кислота ҳисобланиши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup> ҳамда 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўпгина тадқиқот марказлари ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан маълумки, яратилган ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ёки синалаётган кимёвий препаратларнинг ўсимликлар организмига ва генотипига таъсир даражасини тадқиқ қилиш алоҳида вазифалардан ҳисобланади.

Охириги йиллардаги манбалардан олинган маълумотлардан маълумки, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида ташқи омиллар ҳамда улар таъсирини физиологик фаол моддалар ёрдамида бошқариш бўйича тегишли хулосалар Қурғокчил ерларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA), БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO) каби халқаро ташкилотларда ҳамда Англия (Glastron, 1999), Австралия (Sergey Shabala ва б., 2009, Leonard ва Szabo, 2005), Япония (Takeuchi et. al 1992, Hirai, 1991, Kamuro, 1992, Kondo, 1996) ва Вашингтон давлат университетиди (АҚШ) олиб борилган тадқиқотлар натижаларида ўз аксини топган. Шунингдек, МДХ мамлакатларида стероидли гликозидларни ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, сув алмашинуви ҳамда фотосинтез ва нафас олиши, ҳосилдорлиги, патоген ва ташқи экстремал омилларга чидамлилигига таъсири каби физиологик хусусиятлари Н.Л.Радюкина ва б., (2009), Ф.М.Шакирова (2001, 2006), П.К.Кинтя (1993), А.Г.Жакотэ (1993,1997), А.Ф.Кирилов (2002, 2008), Г.В.Шишкану (2008), Л.Физер (1986), Г.А.Карповалар (2008) томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланган.

Ўзбекистонда С.В.Лукьянова (2001), А.А.Тойчиев ( 2002), Д.Н.Далимов (2006, 2011), А.А. Ахунов ( 2012, 2015), Ҳ.Ҳ.Қўшиев (2009, 2015), томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам айрим қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига физиологик фаол моддаларнинг таъсири тадқиқ қилинган. Гарчи олиб борилган тадқиқотлар асосида айрим табиий бирикмаларнинг таъсир этиш хусусиятлари бўйича тегишли натижалар олинган ва хулосалар чиқарилган бўлсада, табиий ва синтетик физиологик фаол моддаларни ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишидаги аҳамиятини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳалигача ўз ечимини топганича йўқ. Олиб борилган тадқиқот натижаларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида табиий бирикмалар ва улар комплексларининг таъсири етарли тарзда ўрганилмаган. Шунга кўра, табиий бирикмалар ва уларнинг супрамолекуляр комплексларини ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш илмий ва амалий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9-26 «Шўрланган тупроқ шароитида донли экинларнинг ўсиши, ривожланишини авжлантирувчи ва патогенларига самарали таъсир этувчи препаратлар яратиш» (2012-2014), ФА-И-ҚХ-2018-11 “Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқ шароитида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишида глицирризин кислота асосли табиий препаратларни қўллаш” (2018-2019) мавзусидаги амалий лойиҳалар ҳамда “Экспериментал биология” лабораториясининг “Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига биотик ва абиотик омиллар таъсирини тадқиқ қилиш” тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** глицирризин кислотасининг (ГК) фитогормонлар (ФГ) билан супрамолекуляр комплексларини олиш ва кишлоқ хўжалиги ўсимликларида биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ГКнинг ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) билан супрамолекуляр комплексларини олиш, физик ва кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш;

ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш шароитида буғдой (*Triticum aestivum* L.) ва ғўза (*Gossypium* L.) уруғининг униш-ривожланиш ҳамда ҳосилдорлик био-морфометрик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш шароитида буғдой донининг униш-ривожланиш жараёнида амилаза, каталаза ва пероксидаза фаоллигига таъсирини ўрганиш;

ФГ ва ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг модда алмашишдаги фаоллигини ўсимлик тўқима ва хужайраларида Zn микроэлементининг кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолатини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ширинмия ўсимлиги илдизидан олинган ГК, ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин), буғдой ва ғўза навлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ГКнинг ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) билан супрамолекуляр комплексларини олиш, физик ва кимёвий кўрсаткичлари ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида замонавий биокимёвий, физиологик, ахборот-компьютер таҳлил услубларидан фойдаланилди. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Excel 2003 (Microsoft Office; АҚШ) ва OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, Northampton, MA 01060-4401, АҚШ) дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ГКнинг ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) билан Glinats (ГК:ИСК 4:1), Glinnaf (ГК:НСК - 4:1), Glinbut (ГК:ИМК - 5:1), Glitskin (ГК:Кинетин - 4:1) супрамолекуляр комплекслари олинган ва ИҚ-Фурье спектрлари ёрдамида ҳосил бўлганлиги аниқланган;

ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш шароитида буғдой (*Triticum aestivum* L.) ва ғўза (*Gossypium* L.) уруғининг униш-ривожланиш ва ҳосилдорлик био-морфометрик кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланган;

ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш шароитида буғдой донининг униш-ривожланиш жараёнида функционал фермент – амилаза фаоллигига стимуляцион таъсир механизмлари тавсифланган;

Ўсимлик хужайрасидаги ФГ ва ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг модда алмашишдаги фаоллик кўрсаткичи ўсимлик тўқима ва хужайраларида микроэлементлар хужайра ва тўқималарда мавжудлик ҳолати билан боғлиқ эканлиги комплекс таркибига Zn микроэлементини кўшиш асосида аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижаси.**

ГКнинг ФГ билан супрамолекуляр комплексларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

ГКнинг ФГ билан яратилган супрамолекуляр комплексларидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган маълумотларнинг ишончлилиги тажрибалар натижаларини қайд қилиш, йиғиш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш имконини берувчи автоматик тизимлар ва замонавий тадқиқот услубларидан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади. Ишда хулосалар замонавий математик-статистика услубларидан фойдаланиш асосида чиқарилган, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Стюдент *t*-критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилик интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда амалга оширилган. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалиётда синовдан ўтказилиши, республика ва халқаро миқёсдаги конференциялардаги муҳокамадан ўтказилиши, натижаларнинг рецензиядан ўтказилувчи илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ширинмия ўсимлиги илдизидан ГКни ажратиб олиш ва кимёвий идентификациялаш, ГКнинг ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) билан супрамолекуляр комплексларини синтез қилиш, кимёвий таҳлил қилиш ва уларнинг биологик фаоллигини тавсифлашда назарий асос сифатида фойдаланилиши истиқболлари юқорилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, шўрланган суғориладиган тупроқлар шароитида буғдой ва ғўза уруғининг униш-ривожланиш ва ҳосилдорлик био/морфометрик кўрсаткичларини регуляция қилишда ГКнинг ФГ билан супрамолекуляр комплексларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича ишлаб чиқилган амалий

тавсиялар ҳамда ишлаб чиқаришда қўлланилиши асосида эришилган ижобий натижалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ГКнинг ФГ билан комплекслари ва уларнинг биологик фаолликлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ГКнинг ФГ билан комплексларидан бири бўлган “Глинбут” препаратидан ПЗ-2017092765 рақамли “Ширинмия илдизпоясидан ажратилган глицирризин кислотаси асосида буғдойнинг ўсишини мувофиқлаштирувчи, фунгицидлик хусусиятига эга бўлган препарат яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида буғдой донларига экишдан олдин ва вегетатив ривожланиш даврида ишлов беришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги № 89-04-233 сонли маълумотномаси). Натижада “Глинбут” препарати билан ишлов берилган буғдой ниҳоллар сони ва ҳосилдорликни ошириш имконини берган.

ГКнинг ФГ билан комплекслари Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги жами 106 гектар ҳамда “ВЕК CLUSTER” МЧЖ нинг 20 гектар пахта ва кузги буғдой майдонларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигини 2020 йил 21 январдаги №02/025-206 сонли маълумотномаси). Натижада кузги буғдой донларини ва ғўза чигитларини унвчанлиги, ҳосилдорликларини ортиши имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Глицирризин кислота ва унинг супрамолекуляр комплексларидан амалиётда фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида ГКнинг қисқача кимёвий/био-фармакологик тавсифи, кимёвий тузилиши ва хоссалари, био/фармакологик тавсифи, ширинмия

ўсимлиги илдиздан ажратиб олиш ва кимёвий идентификациялаш, супрамолекуляр комплексларини олиш ва улардан фойдаланиш истиқболлари ҳақида адабиётлар манбалари асосида илмий-таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Глициррин кислотанинг фитогормонлар билан супрамолекуляр комплексларини олиш, кимёвий ва биологик хоссаларини ўрганиш услублари» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқот объектлари ва методлари баён қилинган. ФГнинг структура/функцияси ва ўсимликнинг стресс-омиллар таъсирига нисбатан чидамлилиқ механизми шаклланишидаги аҳамияти, жумладан, ауксинлар, гиббереллинлар, цитокининлар, абсциз кислота, этилен, брассиностероидлар ва бошқа фиторегуляторлар, шунингдек ўсимликнинг стресс-омиллар таъсирига чидамлилиқ механизмлари шаклланишида ФГнинг аҳамияти, шўрланиш шароитида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Ширинмия ўсимлиги илдиздан ГКни ажратиб олиш ва ФГ билан супрамолекуляр комплексларини ҳосил қилиш ва идентификациялаш билан боғлиқ тадқиқот босқичлари, комплексларнинг барқарорлик константаларини ҳисоблаш, супрамолекуляр комплексларнинг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш методлари баён қилинган.

Диссертациянинг «Глициррин кислотанинг фитогормонлар билан супрамолекуляр комплексларини синтез қилиш ва кимёвий/биологик хоссаларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида ГКнинг ФГ билан супрамолекуляр комплексини синтез қилиш натижалари келтирилган.


ГК:ИМК (2:1) супрамолекуляр комплекси инфрақизил (ИК)-спектроскопия услуби ёрдамида кимёвий идентификацияланди. Бунда таҳлил жараёни бошланғич маҳсулотлар (ГК ва ИМК) ва якуний маҳсулот – яъни, ГК:ИМК (5:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-спектрларини ўзаро солиштириш асосида амалга оширилди (1А, Б,В-расм).



**1-расм. А. ГК нинг ИҚ-спектри; Б. ИМК нинг ИҚ-спектри; В.ГК:ИМКнинг ИҚ-спектри**

Бунда ГК ва ФГнинг супрамолекуляр комплекси “мезбон-мехмон” тузилишида шаклланиши асосланган. ГКнинг ИМК билан комплекси юқорида мазкур метод билан тадқиқ этилганда, комплекслар ўзаро гидрофоб таъсир ва шунингдек водород боғлар ҳисобига ҳосил бўлиши кўрсатилган.

Комплексининг спектридан кўриниб турибдики, ГК ва ИМК спектрларига нисбатан сигналларнинг сезиларли даражада сурилиши кузатилмайди, бу эса комплексларда сигналлар силжишига сабаб бўладиган етарли даража кучли водород ёки ион боғлари йўқлигини билдиради.



2-расм. ГК  $^1\text{H}$ -ЯМР спектри (100МГц)

Ўтказилган барча вариантлардаги ҳисоб-китоблар ГК ва ИМК гуруҳларининг ўзаро электростатик таъсири юқори бўлишини кўрсатди. Бу ўзаро таъсир энергияси молекулаларнинг бир-бирига нисбатан конкрет ориентациясига боғлиқ бўлиб, 6,0 – 10,0 кКал/моль диапазонида намоён бўлади. Агар ГК ва ИМК молекулаларини ажратиб, орасига сув молекулаларини киришига имкон берилса, ГК ва ИМК молекулалари сув муҳитидан чиқиб кетишга ҳаракат қиладиган мустақил, гидрофоб заррачалар бўлади. ГК ва ИМК молекулаларини кичик сув ҳажмида ажратилганда (420 сув молекулалари), ҳар иккала молекула мазкур ҳажмдан ташқарига итарилади. Боғланган ва узилган молекулалар жуфти энергияси фарқи 13 кКал/моль атрофида бўлади, яъни ГК ва ИМКнинг гидрофоб ўзаро таъсирини 13 кКал/моль деб баҳолаш мумкин.

ГК ва ФГ (ИСК, НСК, кинетин) супрамолекуляр комплексларини синтез қилиш ва кимёвий идентификациялаш ҳам шу тарзда амалга оширилди.

Ширинмия илдизидан ажратиб олинган ГК ва ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) супрамолекуляр комплексларини кимёвий идентификациялаш 4000-400  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш диапазонида «Shimadzu» ИҚ-Фурье спектрофотометри қурилмаси (Япония) ва «Perkin-Elmer Spectrum IR»-10.6.1 (АҚШ) ёрдамида амалга оширилди.

3-расмда ГК нинг  $\beta$ -индолил-3-сирка кислотаси (ИСК) билан 4:1 нисбатдаги супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье спектрлари келтирилган.


Тажрибаларда ГК:ИСК (1:4) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье-спектрлари қуйидаги тавсифларга эгаллиги аниқланди. Жумладан, ГК:ИСК (1:4) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье-спектрларида бир қатор валент соҳаларнинг дастлабки агентлар кўрсаткичларига нисбатан силжиш ҳолатлари қайд қилинди. -ОН гуруҳига тегишли валент тебранишлар ГК:ИСК (1:4) супрамолекуляр комплексида 3243  $\text{cm}^{-1}$  соҳада ютилиши аниқланди ва бу ҳолат, водород боғлар ҳосил бўлишидан далолат беради. Шунингдек, ГК:ИСК (1:4) супрамолекуляр комплекси таркибида С-О-С ва С-ОН боғларнинг ютилиши соҳалари 1031  $\text{cm}^{-1}$  ҳолатда интенсив пик

кўринишига эга ҳисобланади. Бунда ГК нинг С=О карбоксил гуруҳларининг ютилиш соҳаси ўзгармаслиги қайд қилинди.




**3-расм. ГК:β-Индолл-3-пирва кислота (ИСК) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье спектрлари.**


ГКнинг ФГлар билан супрамолекуляр комплекслари стехиометрик таркиби Остромысленский–Жобанинг изомолярли тизим методи билан аниқланди. Жумладан, адабиётларда қайд этилганидек, комплекслар 1:1 нисбатда ҳосил бўлади. Қуйидаги графикавий эгри чизикда кўрсатилганидек, компонентларнинг нисбатига кўра оптик зичликнинг ўзгаришидан I комплексининг изомоляр тизими кўрсаткичи  $\approx 1,0$  га тенг бўлиб, шунга асосан комплеклдаги компонентлар нисбати 1:1 нисбатда бўлиши қайд қилинди.



**4-расм.  $\lambda=273$  нм да ( $C(IUK)=10^{-4}$  М,  $C(GK)=10^{-4}$  М, рН 7,2) компонентлар изомоляр тизими нисбатига кўра оптик зичлиги  $\Delta A$ нинг ўзгариши**

Супрамолекуляр комплекс (I) тизими эгри чизигига кўра кўрсатилганидек, 236 ва 279 нм оралиғидаги нуқталарда спектрларнинг ютилиши кузатилади (5-расм). Маълумки, изобестик нуқталарнинг мавжудлиги компонентлар оралиғида битта типга мансуб комплекс шаклланади. Шунга кўра эритмада ГК ва ИУК компонентлари асосида ГК:ИУК комплекси аниқланди:





5-расм. Эритмаларнинг изомоляр тизимда спектрларнинг ютилиш эгри чизиғи  
( $C_{\text{ИСК}} = 10^{-4} \text{ M}$ ,  $C_{\text{ГК}} = 10^{-4} \text{ M}$ , pH 7,2).

Таркиби 1:1 нисбатда бўлган эритмадаги комплекслар нисбати бўйича  $K$  коэффиценти куйидаги формула асосида ҳисобланди (1):

$$K = \frac{\Delta A_0 \Delta A_1}{c(\Delta A_0 - \Delta A_1)^2}, \quad (1)$$

Бу ерда  $c$  – модданинг умумий концентрацияси,  $\Delta A_0$  – диссоциаланиш бўлмаган жараёнда оптик зичликнинг ўзгариши,  $\Delta A_1$  – спектрларнинг ютилиш эгри чизигига мос ҳолда оптик зичликнинг ўзгариши.

Комплекс ҳосил бўлиш жараёни учун Гиббс эркин энергияси ( $\Delta G$ ) 2 формула ёрдамида ҳисобланди.

$$\Delta G = -2,3RT \lg K. \quad (2)$$

Диссертацининг «Глициррин кислотаси комплексларининг ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) супрамолекуляр комплексларининг ўсимликларнинг униш-ривожланиш кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Тажрибаларда лаборатория шароитида 72 соатдан кейин доннинг униш энергияси назорат вариантыда  $38,9 \pm 4,3\%$  га тенг бўлиб, экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl} = 200 \text{ mM}$ ) шароитида  $16,4 \pm 3,5\%$  гача камайиши, ўз навбатида ушбу шароитда  $100 \text{ мкМ}$  концентрацияда ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин (4:1) инкубацияси таъсирида бу кўрсаткич қиймати мос равишда -  $36,4 \pm 7,3\%$ ;  $34,7 \pm 6,5\%$ ;  $23,4 \pm 3,4\%$  ва  $34,3 \pm 3,3\%$  гача қайта тикланиши аниқланди (1-жадвал).

Шунингдек, тажрибаларда доннинг униш даражаси назорат вариантыда  $86,4 \pm 5,7\%$  га тенг бўлиб, экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl} = 200 \text{ mM}$ ) шароитида  $43,7 \pm 4,2\%$  гача камайиши, ўз навбатида ушбу шароитда  $100 \text{ мкМ}$  концентрацияда ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин (4:1) инкубацияси таъсирида бу кўрсаткич қиймати мос равишда -  $84,2 \pm 6,5\%$ ;  $58,5 \pm 5,5\%$ ;  $65,7 \pm 4,8\%$  ва  $76,2 \pm 6,4\%$  гача қайта тикланиши аниқланди (1-жадвал).

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида эндоген фиторегуляторлардан фойдаланиш ўсимлик организмда комплекс биокимёвий/физиологик жараёнлар стимуляцияси орқали ўсиш-ривожланиш, ҳосилдорлик, шунингдек турли хил фитопатогенлар ва стресс-омиллар таъсирига нисбатан чидамлилиқ даражасини ошириши қайд этилди.

**1-жадвал**

**ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Дўстлик» бугдой нави донининг униш кўрсаткичларига таъсири ( $M \pm m$ )**

Тажриба вариантлари	Доннинг униш энергияси (%)		Доннинг униш даражаси (%)	
	Назорат	NaCl (200 мМ)	Назорат	NaCl (200 мМ)
Назорат (дистилланган сув)	38,9±4,3	16,4±3,5**	86,4±5,7	43,7±4,2**
ГК (100 мкМ)	42,4±5,2*	25,9±4,8*	87,5±6,4*	51,5±4,4*
ИСК (100 мкМ)	40,5±6,4*	35,6±5,5**	95,8±6,3**	80,5±6,6**
ГК:ИСК (4:1) 100 мкМ	48,3±5,3**	36,4±7,3**	96,3±6,5**	84,2±6,5**
ГК:НСК (4:1) 100 мкМ	39,3±4,5*	34,7±6,5**	92,3±3,7**	58,5±5,5**
ГК:ИМК (5:1) 100 мкМ	24,6±4,2*	23,4±3,4*	90,4±3,5**	65,7±4,8**
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	45,4±6,6**	34,3±3,3**	95,6±4,4**	76,2±6,4**

**Изоҳ:** \* - назоратга нисбатан статистик ишончлилиқ даражаси  $p < 0,05$ , \*\* -  $p < 0,01$  ( $n=3-4$ ).

ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг дала шароитида «Краснодар-99» бугдой нави ҳосилдорлик кўрсаткичи таркибий элементларига таъсири қийматлари келтирилган (2-жадвал).


**2-жадвал**

**ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг дала шароитида «Краснодар-99» бугдой нави ҳосилдорлик кўрсаткичи таркибий элементларига таъсири ( $M \pm m$ )**

Тажриба вариантлари	Ўсимлик бўйи (мм)	Маҳсулдор ўсимлик сони (дона/м <sup>2</sup> )	Ўсимликда туплар сони (дона)	Бошоқ узунлиги (мм)	Бошоқдаги донлар сони (дона)	1 000 дона дон оғирлиги (г)
Назорат	924,6±5,4	463,8±6,8	3,4±1,2	85,7±3,4	32,5±3,8	38,8±7,4
ГК:ИСК (4:1) 100 мкМ	960,3±3,4**	476,3±4,6**	3,6±2,4**	106,5±4,4**	43,6±6,3**	42,8±6,7**
ГК:НСК (4:1) 100 мкМ	954,4±5,9**	471,3±4,9**	4,1±2,4**	103,4±4,7**	41,5±6,3**	40,5±6,7**
ГК:ИМК (5:1) 100 мкМ	946,5±6,2**	468,4±5,3**	3,8±2,7**	94,2±4,5**	34,2±4,4*	39,4±5,8**
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	932,2±6,6**	478,4±4,5**	3,7±1,8**	102,4±6,8**	42,7±5,2**	41,2±3,7**

Бунда бугдойнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи ~50% гача берилган майдон бирлигидаги бошоқ ҳосил қилувчи ўсимлик зичлиги қийматига боғлиқ ҳисобланиши таъкидланган. Бунда ҳосилдорлик кўрсаткичи 58,5±2,6 ц/га (100%) ни ташкил қилади, 100 мкМ концентрацияда экишдан олдин донга ишлов бериш, шунингдек вегетация даврида найчалаш фазасида ўсимликка сепиш услубида ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин билан ишлов бериш шароитида ҳосилдорлик кўрсаткичини

назоратга нисбатан мос равишда - 51,9% (88,9±3,7 ц/га); 35,4% (79,2±3,4 ц/га); 7,9% (63,1±4,5 ц/га) ва 43,9% (84,2±5,8 ц/га) га ортиши аниқланди (6Б-расм).



**6-расм.** ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг дала шароитида «Краснодар-99» бугдой навининг майдон бирлигига нисбатан ўсимлик сони (дона/м<sup>2</sup>) (А) ва ҳосилдорлигига (Б) таъсири. А. Ордината ўқида - ўсимлик сони (дона/м<sup>2</sup>); Б. ордината ўқида - ҳосилдорлик (ц/га) ифодаланган (\* -  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$ ).

Тадқиқотлар давомида ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Султон» ғўза навининг униш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш амалга оширилди.

ГК ва ИСК, НСК, ИМК, кинетин супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Султон» ғўза навининг униш кўрсаткичларига таъсири бўйича олинган тажриба натижалар келтирилган (3-жадвал).

### 3 жадвал

**ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Султон» ғўза нави (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг униш кўрсаткичларига таъсири ( $M \pm m$ )**

Тажриба вариантлари	Поянинг узунлиги (см)	Илдизнинг узунлиги (см)	Унган биомассанинг оғирлиги (г)	
			Нам ҳолатда	Қуруқ ҳолатда
Назорат (дистилланган сув)	5,4±0,08	3,2±0,04	2,34±0,06	0,45±0,02
ГК (100 мкМ)	4,6±0,04	2,8±0,03	2,12±0,04	0,36±0,02
ИСК (100 мкМ)	7,3±0,05	4,7±0,02	4,25±0,05	0,54±0,03
ГК:ИСК (4:1) 100 мкМ	7,6±0,04	5,2±0,01	5,05±0,03	0,63±0,02
ГК:НСК (4:1) 100 мкМ	3,7±0,01	3,7±0,02	3,39±0,03	0,44±0,04
ГК:ИМК (5:1) 100 мкМ	5,5±0,02	3,3±0,04	3,48±0,06	0,37±0,03
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	7,2±0,01	5,1±0,02	4,08±0,04	0,55±0,02


**Изоҳ:** \*-назоратга нисбатан статистик ишончлик даражаси  $p < 0,05$ , \*\*- $p < 0,01$  ( $n=3-4$ ).

Олинган натижалардан (3-жадвал) кўриш мумкинки, ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) таъсирида назоратга нисбатан лаборатория шароитида «Султон» ғўза нави поясининг

узунлиги (см), илдизнинг узунлиги (см) ва унган биомассанинг оғирлиги (г) сезиларли даражада ортиши аниқланди.

Тажрибаларда назорат гуруҳида ғўза чигитининг униш даражаси 10-суткада  $82,4 \pm 3,4\%$  ни ташкил қилиб, экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl}=200$  мМ) шароитида бу кўрсаткич қиймати  $36,5 \pm 4,2\%$  га камайиши қайд қилинди. Экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl}=200$  мМ) шароитида ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) инкубацияси шароитида эса ғўза чигитининг униш даражаси 10-суткада мос равишда -  $74,1 \pm 5,6\%$ ;  $56,8 \pm 2,4\%$ ;  $63,2 \pm 3,5\%$  ва  $70,9 \pm 2,6\%$  гача қайта тикланиши аниқланди (7А-расм).


Шунингдек, тажрибаларда назорат гуруҳида ғўза чигитининг униш энергияси 7-суткада  $54,6 \pm 2,7\%$  ни ташкил қилиб, экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl}=200$  мМ) шароитида бу кўрсаткич қиймати  $21,8 \pm 2,6\%$  га камайиши ва ушбу шароитда ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) инкубацияси таъсирида мос равишда -  $42,5 \pm 3,6\%$ ;  $30 \pm 2,5\%$ ;  $39,6 \pm 2,8\%$  ва  $28,3 \pm 3,7\%$  гача қайта тикланиши аниқланди (7Б-расм).



7-расм. ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl}=200$  мМ) шароитида «Султон» ғўза нави (*Gossypium hirsutum* L.) униш даражаси (А) ва униш энергияси га таъсири (Б). А. Ордината ўқида - чигитнинг униш даражаси (%); Б. ордината ўқида - униш энергияси (%) ифодаланган (\* -  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$ ).

Диссертациянинг “Глицирризин кислотанинг фитогормонлар билан супрамолекуляр комплексларининг ўсимликлар ферментлари фаоллигига таъсири” деб номланган 5 бобида ГК:ФГ(ИСК, НСК, ИМК, кинетин) супрамолекуляр комплексларининг ўсимликларнинг униш-ривожланиш босқичларида ферментлар фаоллигига таъсирини ўрганиш натижалари баён қилинган.

100 мкМ концентрацияда ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин супрамолекуляр комплекслари инкубацияси шароитида «Дўстлик» буғдой нави донининг (*Triticum aestivum* L.) униш жараёнида илдиз биомассаси таркибида каталаза ферменти фаоллигига таъсири таҳлил қилинди (8-расм).



**8-расм.** ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Дўстлик» буғдой навининг (*Triticum aestivum* L.) униш жараёнида (2-, 5-, 7- ва 10-сутка) каталаза фаоллигига таъсир динамикаси. Ордината ўқида каталаза фаоллиги ( $\text{мг}^{-1}$  оксил); абсцисса ўқида – доннинг униш вақти (сутка) ифодаланган (\* – назоратга нисбатан тажриба варианты қийматларининг статистик ишончлилик даражаси  $p < 0,05$ ; \*\* –  $p < 0,01$ ;  $n = 3-4$ ).

Тажрибаларда 100 мкМ концентрацияда ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин супрамолекуляр комплекслари инкубацияси шароитида «Дўстлик» буғдой навининг униш жараёнида дон таркибида каталаза фаоллиги қиймати 2-, 5-, 7- ва 10-суткаларда назоратга нисбатан сезиларли даражада ортиши аниқланди. Жумладан, ушбу кўрсаткич қиймати максимал даражада 10-суткада назоратга нисбатан мос равишда –  $18,2 \pm 2,8$ ;  $8,6 \pm 2,5$ ;  $5,7 \pm 2,5$ ;  $12,8 \pm 2,2\%$  га ортиши аниқланди.

#### 4 жадвал

**ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Дўстлик» буғдой навининг (*Triticum aestivum* L.) унаётган дони илдиз биомассаси таркибида каталаза фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ )**

Тажриба вариантлари	Каталаза фаоллиги ( $\text{мг}^{-1}$ оксил)	
	Назорат	NaCl (200 мМ)
Назорат (дистилланган сув)	$24,2 \pm 2,8$	$33,5 \pm 2,6^{**}$
ГК:ИСК (4:1) 100 мкМ	$28,6 \pm 2,5^{**}$	$37,8 \pm 4,4^{**}$
ГК:НСК (4:1) 100 мкМ	$26,3 \pm 2,1^{**}$	$32,7 \pm 2,5^{**}$
ГК:ИМК (5:1) 100 мкМ	$25,5 \pm 1,9^*$	$35,4 \pm 2,4^{**}$
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	$27,3 \pm 2,2^{**}$	$29,4 \pm 3,2^{**}$

**Изоҳ:** \* – назоратга нисбатан статистик ишончлилик даражаси  $p < 0,05$ , \*\* –  $p < 0,01$  ( $n = 3-4$ ).

Назорат ва экспериментал шўрланиш шароитида ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин супрамолекуляр комплексларининг буғдой дони униш жараёнида (10-сутка) илдиз биомассаси экстракти таркибида каталаза фаоллигига таъсири ўрганилди (4-жадвал).

Қайд қилиш керакки, экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl}=200 \text{ мМ}$ ) таъсирида дастлабки суткаларда (2-, 4-суткалар) каталаза фаоллиги назоратга ( $24,2\pm 2,8\%$ ) нисбатан сезиларли даражада паст бўлиши, яъни ўртача  $18,5\pm 3,6\%$  ни ташкил қилиши кузатилди. Навбатдаги суткалар давомида (6-, 8- ва 10-суткалар) назоратга нисбатан ортиб бориши қайд қилинди.

Шунингдек тажрибалар давомида  $100 \text{ мкМ}$  концентрацияда ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин супрамолекуляр комплекслари инкубацияси шароитида «Дўстлик» буғдой нави донининг униш жараёнида биомасса таркибида пероксидаза ферменти фаоллигига таъсири натижалари таҳлил қилинди. Бунда назорат ва экспериментал шўрланиш шароитида ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин супрамолекуляр комплексларининг буғдой дони униш жараёнида (10-сутка) илдиз биомассаси экстракти таркибида пероксидаза фаоллигига таъсири куйидаги жадвалда келтирилган (5-жадвал).

#### 5 жадвал


**ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Дўстлик» буғдой навининг (*Triticum aestivum* L.) унаётган дони илдиз биомассаси таркибида пероксидаза фаоллигига таъсири ( $M\pm m$ )**

Тажриба вариантлари	Пероксидаза фаоллиги ( $\text{мг}^{-1}$ оксил)	
	Назорат	NaCl (100 мМ)
Назорат (дистилланган сув)	$16,4\pm 2,3$	$17,4\pm 3,5^*$
ГК:ИСК (4:1) $100 \text{ мкМ}$	$38,5\pm 2,6^{**}$	$42,5\pm 3,7^{**}$
ГК:НСК (4:1) $100 \text{ мкМ}$	$27,6\pm 2,5^{**}$	$30,1\pm 2,3^{**}$
ГК:ИМК (5:1) $100 \text{ мкМ}$	$24,2\pm 2,4^*$	$34,2\pm 2,5^{**}$
ГК:Кинетин (4:1) $100 \text{ мкМ}$	$29,5\pm 2,7^{**}$	$36,5\pm 2,8^{**}$

**Изох:** \* – назоратга нисбатан статистик ишончлилиқ даражаси  $p<0,05$ , \*\* –  $p<0,01$  ( $n=3-4$ ).

Буғдой донининг униш жараёнида 10-суткада назорат вариантыда пероксидаза фаоллиги  $16,4\pm 2,3 \text{ мг}^{-1}$  оксилга тенг бўлиб, экспериментал шўрланиш ( $\text{NaCl}=200 \text{ мМ}$ ) шароитида эса ушбу кўрсаткич қиймати  $17,4\pm 3,5 \text{ мг}^{-1}$  оксилга ўзгариши, шунингдек  $100 \text{ мкМ}$  концентрацияда ГК:ИСК (4:1), ГК:НСК (4:1), ГК:ИМК (5:1) ва ГК:Кинетин супрамолекуляр комплекслари инкубацияси шароитида мос равишда –  $42,5\pm 3,7$ ;  $30,1\pm 2,3$ ;  $34,2\pm 2,5$  ва  $34,2\pm 2,5 \text{ мг}^{-1}$  оксилга ортиши қайд қилинди.

Буғдой донининг униш жараёнида  $\alpha$ -амилаза фаоллиги бир неча мартагача ортиши қайд қилинади. ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларининг буғдой (*Triticum aestivum* L.) донининг униш-ривожланиш жараёнида  $\alpha$ - ва  $\beta$ -амилаза ферменти фаоллигига таъсири бўйича экспериментал натижалар келтирилган (9-расм).



**9-расм. ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Дўстлик» буғдой навининг (*Triticum aestivum* L.) униш жараёнида (2-, 5-, 7- ва 10-сутка)  $\alpha$ -амилаза фаоллигига таъсир динамикаси.** Ордината ўқида -  $\alpha$ -амилаза фаоллиги (гидр. мг крахмал×30 мин./г); абсцисса ўқида - доннинг униш вақти (сутка) ифодаланган (\* - назоратга нисбатан тажриба варианты қийматларининг статистик ишонччилик даражаси  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$ ).

Лаборатория шароитида «Дўстлик» буғдой навининг униш жараёнида дон таркибида умумий амилотитик фаоллик қиймати 2-, 5-, 7- ва 10-суткаларда мос равишда -  $14,5 \pm 3,6$ ;  $58,9 \pm 4,8$ ;  $73,6 \pm 3,5$  ва  $55,2 \pm 4,4$  (гидр. мг крахмал×30 мин./г) га тенг бўлиши аниқланди. Бундан кўриш мумкинки, униш жараёнида буғдой дони таркибида умумий амилотитик фаоллик 2-7 суткаларда ортиб бориши, 7-суткада максимал даражада бўлиши ва 10-суткада камайиши қайд қилинди (9-расм).

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк мартаба ГКнинг ФГ (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) билан Glinats (ГК:ИСК 4:1), Glinnaf (ГК:НСК - 4:1), Glinbut (ГК:ИМК - 5:1), Glitskin (ГК:Кинетин - 4:1) супрамолекуляр комплекслари синтез қилиниб, уларнинг  $4000-400 \text{ см}^{-1}$  диапазонда валент соҳаларнинг дастлабки агентлар кўрсаткичларига нисбатан силжиш ҳолатлари ИҚ-Фурье спектрлари асосида изоҳланади.

2. Glinats, Glinnaf, Glinbut ва Glitskin супрамолекуляр комплекслари билан буғдой донларини экишдан олдин ишлов берилиб ва ниҳолларга вегетатив ривожланиш босқичларида сепилганда маҳсулдор шаклланган маҳсулдор поялар сони ўртача  $476,3 \pm 4,6$ ;  $471,3 \pm 4,9$ ;  $468,4 \pm 5,3$  ва  $478,4 \pm 4,5$  донани ташкил қилиб, ҳосилдорлик кўрсаткичлари назоратга нисбатан мос равишда -  $51,9\%$  ( $88,9 \pm 3,7$  ц/га);  $35,4\%$  ( $79,2 \pm 3,4$  ц/га);  $7,9\%$  ( $63,1 \pm 4,5$  ц/га) ва  $43,9\%$  ( $84,2 \pm 5,8$  ц/га) га ортади.

3. Шўрланиш шароитида ( $\text{NaCl} = 200 \text{ мМ}$ ) буғдой донининг унувчанлик кўрсаткичи Glinats, Glinnaf, Glinbut ва Glitskin инкубацияси таъсирида 2,0, 1,3, 1,5, 1,7 марта ҳамда дон таркибида умумий амилотитик ферментларнинг

фаолик қиймати назоратга нисбатан мос равишда 2,2, 2,0, 1,7 ва 1,5 марта ортади.

4. ГКнинг рух микроэлементли компоненти (ГК-Zn) таъсирида бугдой майсалари баргида устьицаларнинг ўтказувчанлик хусусияти ортиб хлоролфилл миқдори ( $144,6 \pm 5,2\%$ ) назоратга ( $112,4 \pm 5,7\%$ ) нисбатан ўртача 1,3 марта ортади.

5. Шўрланиш шароитида ( $\text{NaCl} = 200 \text{ мМ}$ ) ёўза чигитининг униш даражаси назоратга нисбатан  $82,4 \pm 3,4\%$  дан  $36,5 \pm 4,2\%$  гача камайиши, ўз навбатида ушбу шароитда Glinats, Glinnaf, Glinbut ва Glitskin инкубацияси таъсирида 2,0, 1,6, 1,7, 1,9 марта, ҳосилдорлик кўрсаткичи назоратга нисбатан мос равишда ўртача 0,75, 0,60, 0,88 ва 0,91 т юқори кўрсаткичда фарқ қилади.

6. Олинган натижалар ГК:ФГ супрамолекуляр комплексларидан қишлоқ хўжалиги амалиётида стресс-омиллар, жумладан шўрланиш шароитида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнини оптималлаштиришда фойдаланиш истиқболлари юқорилигини кўрсатади ва амалиётда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.02/30.12.2019. К/В. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ДЖУРАЕВ ТУЛКИН АРЗИКУЛОВИЧ**

**КОМПЛЕКСЫ ГЛИЦИРРИЗИНОВОЙ КИСЛОТЫ С  
ФИТОГОРМОНАМИ И ИХ БИОЛОГИЧЕСКАЯ  
АКТИВНОСТЬ**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B288.**

Докторская диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:** **Кушиев Хабибжон Хожибобоевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ахунов Али Ахунович**  
доктор биологических наук, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019. К/В. 37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, город Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, дом 83. Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail:shsha@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано за № \_\_\_\_). (Адрес: 100125, город Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, дом 83. Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ш.И.Салихов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

**Ш.А.Шомуротов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.б.н.

**М.Б.Гафуров**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Создание экологически безопасной продовольственной продукции считается в мире одним из актуальных вопросов, стоящих перед наукой. Но сегодня в результате широкого использования препаратов различного химического строения в целях повышения урожайности сельскохозяйственных культур, наблюдаются негативные показатели качества урожая. Поэтому имеет важное значение использование экологически безопасных природных соединений, регулирующих рост и развитие растений, выращиваемых в целях создания продовольственной продукции.

Во многих исследовательских центрах мира в целях повышения качества урожая обращают особое внимание на выявление механизма влияния природных физиологически активных веществ. Повышение уровня устойчивости растений к влиянию неблагоприятных факторов внешней среды, в том числе, в условиях засоления, является одним из важных вопросов в земледелии. При этом высоко оцениваются перспективы использования фитогормонов, выполняющих функцию медиаторов внешних сигналов в тканях и клетках растений. Повышение стабильности биологической мембраны клетки растения и уровня функциональной активности под влиянием фитогормонов приводит к повышению уровня устойчивости растения в отношении к стресс-факторному влиянию посредством нормализации активности процессов обмена веществ, происходящих в клетке.

Сегодня в нашей стране уделяется отдельное внимание внедрению на практике научных и инновационных достижений при выращивании экологически безопасной растительной продукции. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены отдельные задачи по «стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений». С этой точки зрения, в диссертационной работе особое внимание уделяется получению рост-стимулирующих супрамолекулярных комплексов, созданных на основе природных физиологически активных соединений, и их использованию в получении экологически безопасной продукции из сельскохозяйственных растений, выращенных в различных почвенных условиях. При этом отмечается, что в качестве одного из перспективных физиологически активных соединений может быть использована глицирризиновая кислота (ГК).

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>1</sup> и Постановлении от 24

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

октября 2016 года за №ПП-2640 “О защите растений и о мерах по совершенствованию системы оказания агрохимических услуг сельскому хозяйству”.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Из деятельности многих исследовательских центров и производства известно, что исследование степени влияния созданных и применяемых в сельском хозяйстве или апробируемых химических препаратов на организм и генотип растений является одной из актуальных задач.

